



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

2011 йил - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили



ЗАМОН БИЗНИКИ, ИМҚОН БИЗНИКИ

Ангрен шаҳридаги замонавий технологиялар билан жиҳозланган "ELBA-DREAM" масъулияти чекланган жамияти трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу ерда олтимишга яқин ишчи меҳнат қилаётир.

2011 йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилиниши тадбиркорларга янада кенг имкониятлар яратмоқда.

— Корхонамиз Россия, Хитой, Корея давлатларининг энг илгор технологиялари билан жиҳозлан-

ган, — дейди корхона раҳбари Рўзимбой Йўлдошев. — Айни пайтда бичиш, тўкув ва тикувчилик цех-

лари фаолият кўрсатмоқда. Ҳозир ўн турдан ортиқ кўрпа-тўшаклар учун қопламалар, махсус ишчи кийимлари, хар хил турдаги қоплар тикилаётир. Сифатли, аҳоли ва корхоналар учун мақбул нарх-

лардаги маҳсулотларимиз тобора хариддориг бўлиб бораётир. Келажакда корхона фаолиятини кенгайтириб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтирмақчимиз.

СУРАТДА: корхона ишчилари Шахло Ҳайитбоева, Дилафрўз Нурматова, Лайло Калиева.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.



КҮЙИЧИРЧИҚ ТУМАНИ

АЖДОДЛАР МЕРОСИ - КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Ёшларни маънавий баркамол, билимдон қилиб тарбиялаш, ватанни ва жаҳон тарихини мукаммал ўрганишга кўмаклашиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларини улар онгига синдириш мақсадида туман қишлоқларида "Аждодлар мероси - келажак пойдевори" кўрик-танлови ўтказилди.

Унда 19-мактабнинг ҳаракатининг фахрий "Турон" жамоаси голиб бўлди ва вилоят финал босқичига йўлланма олди. Иштирокчи жамоалар "Камолот" ёшлар ижтимоий

Юлдузхон МУХИДДИНОВА.

АНГРЕН ШАҲРИ

«ТЕМУРИЙЛАР АВЛОДИ» ФОЛИБ

Ёшларимизни Ватанга муҳаббат, аънаналарга ҳурмат руҳида тарбиялаш, аждодларимизнинг буюк меросини асраб-авайлашга ўргатиш мақсадида "Аждодлар мероси - келажак пойдевори" кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

Ангрен шаҳридаги 13-умумтаълим мактабда ушбу кўрик-танловнинг шаҳар босқичи ўтказилди. Унда шаҳардаги етти тамактаб ва битта мактаб-интернат жамоалари иштирок этди.

Танлов қатнашчилари "Улка тарихига савҳат", савол-жавоб каби шартларни бажардилар. Сўнгги шартда эса ўзлари яшаётган ҳудуд билан боғлиқ бўлган

урф-одатлар, рақ, лапар ва айтишувлар икром этиб, йиғилганларни хайрон қолдиришди.

Яқуний натижаларга кўра, 1-ўрин 4-умумтаълим мактабнинг "Темурийлар авлоди" жамоасига насиб этди. 43 ва 8-умумтаълим мактаблари 2-ўринни, 18 ва 39-умумтаълим мактаблари 3-ўринни эгаллашди.

Ирода МАКСУД кизи.

ЮҚОРИЧИРЧИҚ ТУМАНИ

МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши Болалар ва ўсмирлар ижодиёти ҳамда "Био-Экосан" экологик марказлари билан ҳамкорликда "Ёш ҳунарманд" кўрик-танловини ўтказди.

14 ёшгача бўлган ўқувчилар қатнашган танловда "Камалак" болалар ташкилоти аъзолари юртта шарт бўйича қобилиятларини синаб кўришди. Миллий ҳунармандчилик ва амалий санъат йўналишида туман-

даги 8-мактаб ўқувчиси Гулжан Қодирқуллова расм чизиш, 40-мактаб ўқувчиси Ширин Юнусова мунчоки безак буюмлари яшаш йўналишида голиб бўлишди.

Отабек САЙДОВ.

ОҚҚҮРҒОН ТУМАНИ

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТИМСОЛИ

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Оққўрғон туман кенгаши ҳамда туман "Маҳалла" хайрия жамғармаси "Миллий ҳунармандчилигимиз - миллий қадриятларимиз бардавомлиги кафолати" мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Унда партия фаоллари, "Маҳалла" хайрия жамғармаси ва партиянинг "Аёллар қаноти" вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда ҳукуматимиз миллий ҳунармандчиликка жиддий эътибор бераётгани, аждодларимиз миллий меросини асраб-авайлаш учун замин яратаётгани эътироф этилди. Ёш авлоди Ватанга садоқат ҳамда миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбия-

лаш учун улар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, амалий кўмак кўрсатиш зарурлиги таъкидланди. Жумладан, миллий ҳунармандчиликка кизиқиш билдирган ёшларга тўғри йўналиш бериш, уларни тегишли моддий база билан таъминлашда ҳоимийлик ҳаракатини кўллаб-қувватлаш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Дилмурод ОТАБОВЕВ.

МУСОБАҚА ЯҚУНЛАНДИ

Мактаб ўқувчиларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, миллий спорт турларини оммавийлаштириш ва турон спорт турини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида вилоят касабаси уюмлари федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида Зангиота туманидаги 9-мактабда турон яккакураши бўйича вилоят очик биринчилиги ўтказилди.

Унда Зангиота, Паркент туманлари, Чирчиқ, Олмалик ва Тошкент шаҳарларидан 200 дан зиёд яккакураш усталари 18 вазн тоифасида голиблик учун беллашдилар.

Мусобақа яқунларида кўра, зангиоталик Азизбек Холмуродов, Дилмурод Қобилжонов, чирчиқлик Мир-азиз Мирсиддиқов, Далер Султонов, Собир Фуломов ўз вазн тоифаларида голибликни кўлга киритишди.

Тадбир сўнггида голиб ва совриндорларга ҳамкор ташкилотларнинг дипломи, медал ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

ОЧИК МУЛОҚОТ

Республика Ички ишлар вазирлиги гуруҳи Оққўрғон туманидаги Курилиш, транспорт ва сервис ҳамда Агросаноат коллежларида гиёҳвандлик, контрабанда, терроризм ва диний экстремизм иллатларининг олдини олиш, уларга қарши оммавий кураш каби долзарб масалалар юзасидан учрашувлар ўтказди.

Тадбирлар очик мулоқот тарзида ўтказилиб, ўзаро фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Шунингдек, ёш талабаларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортлари топширилди.

Шохруҳ ҲАКИМОВ.

ОГОҲЛИК



МАҲАЛЛАДАГИ ИШ ТАЖРИБАСИ АСҚОТАДИ

Вилоят Маънавият ва маърифат марказида маҳаллада тинчлик ва осойишталикни таъминлаш масаласида бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси, ҳудудий профилактика нозирлари, вилоят "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳамда маҳалла оқсоқоллари иштирок этган йиғилишда юрт тинчилиги ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашда маҳалла оқсоқоллари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг муносибларини ички

ва унинг ҳуқуқий асослари тушунтириб берилди. Семинарда муқаддам маҳалла оқсоқони сифатида фаолият кўрсатиб, ҳозирда профилактика нозирлари бўлиб эл-юрт осойишталигини муҳофаза қилаётган ёшлар ҳам сўзга чиқиб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

Тадбир якунида хизмат пайтида бошқа ҳамкасбларига ўрناк кўрсатган маҳалла оқсоқолларига вилоят ИИБ фахрий ёрликлари ҳамда вилоят "Маҳалла" жамғармасининг совғалари топширилди.

Абдулла ФАЙЗИЕВ.

СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

ЁШ ТАДБИРКОР - ЮРТГА МАДАДКОР

Бекобод шаҳрида "Ёш тадбиркор - юртга мададкор" шиори остида ўтказилган кўрик-танловда 6 нафар коллеж битирувчилари - техника-иктисодиёт коллежидан Назира Исҳоқова, Аскарали Давлатмирзаев, Аббос Абдухамидов, Мирзақул Эшонқулов, енгил саноат ва маиший хизмат коллежидан Мафтўна Розикова ва Мадина Абдуразақова голиб бўлишди.

Вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиёва уларга "Микрокредитбанк" сертификатларини топширди.

ФЕРМЕРЛАР УЧУН САБОҚ

Зангиота туман ҳокимлигида фермер ҳужалиқлари раҳбарлари учун мева, сабзавот, узум, картошка ва полиз маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш омиллари, илгор агротехник тадбирларга бағишланган илмий-амалий семинар ўтказилди.

Машуғулларда республика сабзавот, полиз экинлари ва картошканилор агротехникаси, уруғ таъминотига оид илгор технологияларни жорий этиш, "Зараркунандалар хуружининг олдини олиш ва уларга қарши курашиш чоралари" мавзуларида фермерларга қимматли маслаҳатлар берилди.

Шоҳир ҲАЛИЛОВ.

НАВРЎ ҲАШАРИ



КЎКЛАМНИ ЭСЛАТГАН ЖЎШҚИН ИККИ КУН

Шу кунларда қай бир хонадонга кирманг, ободонлаштириш, қуриш-яратиш устидан чиқасиз. Кимдир бресталикка тутинса, кимдир бир туп дарахт экиб оўلسа ҳам кўкаламзорлаштиришга ҳисса қўшгиси келади. Зеро, баҳор фаслининг таровати, кўклам руҳияти кишини шунга чорлайди.

Республика Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимининг тегишли фармойишларига асосан, юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби воҳамиз шаҳар ва қишлоқларида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ойлғи ўтаётгани ҳамда баҳор фаслининг илк оғи - мартнинг 12-13 кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари ушбу хайрли ишларнинг барча фазилатларини ўзида мужассам этди.

Умумхалқ тадбирида ўзаро ижтимоий ҳамкорлик, инсонийлик ва меҳр-мурувват каби фазилатлар намоён бўлди. Аҳоли яшаш жойлари, кўча, ариқ ва хиёбонлар, кадамжо ва қабристонлар ободонлаштирилди.

Ушбу тадбирлар доирасида умумий ҳисобда 9234 гектар майдон ободонлаштирилиб, 5921 километр узунликдаги ариқ ва зовурлар тозаланди. 700 дан кўпроқ зиёратгоҳ ва қабристонлар ободонлаштирилиб, 8741 тонна маиший ва қурилиш чинкидиларидан фойдаланилди.

Умумхалқ хашарига 1 миллион 817 миң аҳоли, шу жумладан, 1 миллион 232 миң ёшлар жалб этилиб, 1670 та техника воситасидан фойдаланилди.

Хаммага маълум, баҳор фасли янги дарахт кўчатлари ўтказиш, гулзорлар барпо этиш палласи ҳамдир. Буни яхши англаган хашарчилар вақтни бекор ўтказишмади. Халқимизнинг яратувчанлик қудрати сабабли воҳа табиати 1 миллион 543 миң 800 туп манзарали, 1 миллион 425 миң 200 туп мевали дарахтлар билан бойиди. Шунингдек, 200 миң туп туп дарахти ва 2 миллион 620 миң 600 дона гул кўчатлари экилди.

Албатта, дарахт ўтказиш хайрли ишларнинг бошланғичи, холос. Дарахтлар тутиб кетиши, ям-яшил бўлиб, кўзларни қувнатиб туриши

учун уларни парваришлаш ҳам жуда муҳим. Шу сабаб хашар кунларида 2 миллион 190 миң 200 та дарахтга шакл бериб, оқланди. Тағлари юмшатилиб, сув келадиган ариқ йўллари тозалаб қўйилди.

Хайрия ҳашари давомида кам таъминланган, ёрдамга муҳтож юртдошларимиз ҳам унутиб қўйилгани йўқ. Жумладан, 3749 нафар шундай оила ҳолидан хабар олиниб, хайрия ёрдами кўрсатилди. Қаровга муҳтож бўлган 74 миң квадрат метр уй-жой хашар йўли билан таъмирлаб берилди.

Албатта, ушбу халқ хашари юқорида таъкидлаганимиздек, хайрли ишларнинг дебосчаси холос. Юртбошимиз айтганидек, "Савобли ишни ҳар қим, ҳар кун қилиши керак". Баҳор фасли эса аини шундай хайрли ишларга чорловчи фасл десак, муболага бўлмас керак.

Файзулла АЛИЕВ.

СУРАТДА: Куйичирчиқ туманидаги Гул қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари хашарла.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

ҲОСИЛДОРЛИК ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган ишчилар ислохотлар натижасида ғалла етиштиришнинг самарали тизими шаклланди. Замонавий агротехник усулларни қўллаш, фермерлар учун кенг шароит яратилгани, ғалланинг иқлимимизга мос, эртапишар, серҳосил навлари экилатгани ҳосилдорлик ошишига замин бўлмоқда.

Янгийўл туманидаги "Муруватли Рустам" фермер хўжалиги бу йил туман иқлимига мос "Таня" ва "Нота" ғалла навларини танлаган.

— 2007 йилда 88 гектар ер олиб иш бошлаган эдик, — дейди хўжалик раҳбари Дилшод Долимов. — Бу йилга келиб еримиз 173 гектарга етди. Фермернинг техникаси етарли бўлмаса, турли қийинчиликларга дуч келиши тайин. Худудимиздаги "Нибёзош" агросервис масъулияти чекланган муко-

бил машина трактор парк билан бирга ердан бермоқда. Бу ерда барча турдаги техникалар бор.

Фермер мустақил хўжалик юритиш ҳуқуқидан фойдаланиб, кўп йиллик тажрибасига таяниб, ҳосил ва даромадни оширишга ҳаракат қилмоқда. Утган йили яна 85 гектар ер қўшиб берилди. Даромад фермер хўжалиги иқтисодини мустақимлаш имконини кенгайтирди. Фермер хўжалиги бу йил 50 центнердан ҳосил олишни мақсад қилиб ўзирибди.



СУРАТДА: фермер Дилшод Долимов.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

Ўртачирчиқ тумани ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежидан вилот ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳамда "Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила" факультатив курсидан дарс бераётган ўқитувчилар учун семинар ўтказилди.

ЁТ ИЛЛАТЛАРГА ИЗН ЙЎҚ

Унда ИИБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими ходимлари гиёҳвандлик, унинг инсон ҳаёти ва жамиятга зарари, гиёҳвандларни жиноий жавобгарликка тортиш, ўқувчи ёшларни бу иллатларга қарши нафрат руҳида тарбиялашда ўқитувчиларнинг роли юзасидан батафсил маълумот берилди.

Семинарда, шунингдек, инсон саломатлиги ва унга таъсир этувчи омиллар, соғлом турмуш тарзи ва унинг асосий йўналишлари, репродуктив саломатлик мавзуларида маърузалар тингиланди.

Ўқувчиларнинг ОИВ инфекциясининг олдини олиш чораларини билишлари ва унга риоя этишларига эришиш учун мунтазам маълумотлар бериб бориш кераклиги таъкидланди. Шунингдек, дарсдан ташқари тадбирларга туриш таъкидланди. Шунингдек, дарсдан ташқари тадбирларга туриш таъкидланди. Шунингдек, дарсдан ташқари тадбирларга туриш таъкидланди.

Тадбир иштирокчиларига "Инсон умид билан яшайди" видеофильми намойиш этилди ва "Аҳоли ўртасида, жумладан, ўқувчи ва талабалар орасида ОИВ инфекциясининг профилактикаси учун қўлланма" рисоласи тарқатилди.

Саид АСКАРОВ.

ВАТАН ҲИССИ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ



— Аввало, кўпни кўрган оксоқол сифатида мамлакатимизда ўзини ўзи бошқаришнинг маҳалла бўғини янада ривожлантириш ҳақидаги фикрини билмоқчи эдик.

— Мамлакатимизда амалга ошириладиган кенг кўламли ислохотлар ўзини ўзи бошқариш органи ҳисобланган маҳаллалар фаолиятига ҳам бевосита таъсирини, албатта. Фақат Ўзбекистонга хос бўлган бу институт фаолияти сўнгги йилларда янги маъно ва мазмун касб этди, такомиллашди.

Халқимизда "Маҳалланг — ота-онанг" деган гап бор. Замирида катта маъно ётган бу ибора мустақиллик йилларида янгича мазмун ва моҳият касб этди. Жамиятнинг асосий бошқарув тизими, фуқаролик жамиятининг пойдеворига айланиб бораётган маҳалланинг ўрни ва ролини мустақамлашга қаратилган қонуни ва қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Буларнинг ҳаммаси маҳалла институтини шакллантирибгина қолмай, катта масъулият ҳам юкляди.

Қийрай туманидаги Амир Темур маҳалласи оксоқоли Мурод Ҳасанов билан суҳбатимиз шу хусусда борди.

ишончли марказга айланиб улгурди.

Бунинг маъноси маҳалламиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда 365 та хонадонда 522 оила ёки 2000 аҳоли яшайди. Улар эндиликда ўз ҳаёти ва фаолияти ҳамда ҳаётининг таъминини маҳалла фаолияти билан боғлашмоқда. Айтиш керакки, маҳалла фаолияти ҳам ҳар бир хонадон аъзолари ҳолидан, муаммоларидан доимо бохабар. Маҳалламиздаги шундай ахиллик туйғулари худудимизда тинч ва осийишта ҳаёт ҳукмрон.

— Хар бир фуқаро ва оиланинг хотиржамлиги маҳалладаги муҳит ва шарт-шароитга боғлиқ. Айтиш керакки, бу борада қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Оксоқол этиб сайланганимдан кейин қилган дастлабки ишларимдан бири хонадонлар, айниса, хотин-қизларимиз учун энг зарур бўлган газ ва сув таъминоти ўрганиш бўлди. Кўпгина хонадонларда газ ва сув таъминоти бўлмагани ҳақида маълумот олиш ва ваколатлар тўғрисида эришдик. Ичимлик суви таъминоти ҳам ҳал этилди. Айтиш керакки, хонадонларнинг марказлашган оқова суви тармоғига улаш устида иш-лаштимиз.

2010 йилда ўз кучимиз билан 4 километрдан ортиқроқ масофага канализация тармоғи ўтказдик. Бу йил яна 2 километрга қувур тор-

тиб, маҳалладаги барча хонадонларни оқова суви тармоғига улашни режалаштирганимиз.

— Таъкидлаганингиздек, бугун маҳалла зиммасига аҳолини иш билан таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилишдек муҳим вазифалар ҳам юклатилган. Айтсангиз, 2011 йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши янги имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Бу йил қандай ўзгаришлар режалаштирилган?

— Меҳнатга яроқли аҳоли, хусусан ёшларни иш билан таъминлаш доимий эътиборимизда. 2011 йилда яратиб бериладиган имкониятлардан келиб чиқиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш режасини тузиб, таъкидлаб олдик. Анчадан буюн бўш ётган жойда замонавий маҳалла гузарини қурмоқчимиз. Масалани ҳал этишда туман ҳокимлиги ва вилот архитекура-қурилиш бошқармаси раҳбарияти ёрдам бермоқда.

Тасдиқланган лойиҳа бўйича тўрт хонадан иборат маҳалла идораси, дорихона, стоматология хонаси, рўзгор техникаси ва пойабдал устaxonаси, нововойхона, чойхона, гўшт дукони ва бошқа савдо расталари гузар таркибидан жой олади. Бу 47 та доимий иш ўрни яратилиши ҳамда соғлиқни сақлаш муассасасига эга бўлиш имко-

тини беради. Мақсадимиз гузарини ўзига хос замонавий тадбиркорлик марказига айлантиришдир.

Бундай йирик ва замонавий мажмуани қуриш учун маблаг топиш, қурилиш ашёларини етказиб бериш ва яна қатор ташкилий масалаларни ҳал этишда тадбиркорларимиз бир ёқадан бош чикармоқдалар. Бу катта ва хайрли ишга кимдир гишт, кимдир цемент, яна кимдир ўз меҳнати билан ҳисса қўшапти.

— Маҳалла нафақат ижтимоий-сиёсий марказ, балки тарбия ўчоғи ҳамдир. Ёшларга эътибор, улар билан ишлаш тажрибаси, маънавий-маърифий ишлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Маҳалламиз аҳолисининг 64 фоизи ёшлар. Бу катта куч. Тарбия ишларини мактаб ва меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб бораёلمиз.

Бундан ташқари, хар бир кўчага фаол ходимлар бириктирилган. Улар диний-ахлоқий тарбия бўйича маҳалла фаол хизматлари билан ҳамкорликда ишлаяпти. Ёшлар орасида ҳуқуқий тарғибот олиб бориш ва жиноятчиликнинг олдини олишда профилактика қозони Собир Каримовнинг хизмати катта.

— Келгусидаги режалар ҳақидаги фикрингиз?

— Режаларимиз катта. Фарзандларимиз учун замонавий спорт мажмуасини барпо этмоқчимиз. Ниятимиз бошланғич синфлар учун яна бир бино қуриш. Бу режаларимизни давлат дастурига кирита олсак, яхши бўлар эди. Маҳалла худудини янада обод қилиш, янги боғ-роғлар барпо этиш, оилаларимизнинг тинч-тотув яшаш учун хизмат қилиш, бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигини муносиб кутиб олиш асосий мақсадимиздир.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири Юлдузхон МУХИДДИНОВА суҳбатлашди.



ЕР СИЛКИНИШИ ДАВОМ ЭТАДИ

11 март куни эрталаб Японияда 8,9 магнитуда куч билан zilzila юз берди. Ер силкиниши ўн метр баланликда цунами ҳосил бўлишига олиб келди. Ўн мингта яқин киши ушбу даҳшатли табиий офат қурбонига айланган.

12 мингдан зиёд бино вайрон бўлди. Бир неча АЭСда авариялар юз берди. Air Worldwide компанияси Япония ҳукумати мамлакат тарихидаги энг фожия дея баҳолаган табиий офатнинг тахминий зарарини маълум қилди. У 14,5 дан 34,6 миллиард долларгача етиши мумкин. Ушбу рақамлар фақат сугурталанган мол-мулкка тааллуқли бўлиб, ер силкинишидан кейин юз берган цунами зарарлари бу ҳисобга кирмайд.

Япония автомобилсозлари ҳаммадан кўра кўпроқ зарар кўрди. Улар табиий офат туйғулари автомобил ишлаб чиқариши бир неча

кунга тўхташиб туришга мажбурлар.

14 март душанба куни эрталаб яна бир неча ер силкинишлари қайд этилди. АҚШ геология хизматининг маълум қилишича, 5,8 магнитуда кучи zilzila маркази Токиодан 140 километр шимол-шарқда бўлган.

Сейсмологларнинг баҳо-ратларига қараганда, 7 магнитудагача кучга эга ер силкинишлари камда яна бир ой давом этади.

ИСЁНЧИЛАР ҚУРОЛ-ЯРОҚКА МУҲТОЖ

Айрим ахборот воситалари Ливиядаги аҳвол ҳақида тарқатаётган хабарлар бир-бирини инкор этувчи далиллардан ҳоли эмас.

Масалан, 14 март куни эрталабки хабарда исёнчилар Муаммар Каддафига содиқ кишилардан жанг бериш бораётган Ливия етакчисига қарашли харбий хизматчилар исёнчиларни Брегадан қувиб чиқарганлари таъкидланади. Мухолифатчилар артиллерия ўқ ёғири остида шаҳарни ташлаб чиқишга мажбур бўлганлар.

Исёнчилар эса, ўз навбатида қоронғи тушиши билан яшин тезлигига ҳужум уюштириб, Каддафининг Брегада ўрнашиб олган аскарлари

рини тор-мор этганларини таъкидлашади. Айтишларича, кўпгаб зирхли автомобилларни йўқ қилиб, Каддафининг сараланган жанговар қисмидан 20 аскарини аср олганлар, ҳукуматнинг 25 харбий хизматчисини ўлдирганлар. Брега шаҳрининг ҳозир қайси томон қўлида эканлигини аниқлашнинг илложи йўқ. Негаки, мустақил журналистлар ўз ҳаётларидан хавфсизраб, минтақани тарқатишган дея хабар беради Associated Press агентлиги.

Таъкидлаш жоизки, исёнчилар яхши қуролланишмаган ва харбий тайёргарликка эга эмаслар. Улар Каддафи тузумига қарши курашни давом эттириш учун қурол-яроққа муҳтож эканликларини тан олдилар. Ҳукумат харбий қисмлари эса, аксинча, яхши таъминланган ва ихтиёрида артиллерия, танк ва жанговар кемалар бор.



САЙЁҲЛАР ЯПОНИЯНИ ТАРК ЭТИШАПТИ

Россиянинг 18 кишидан иборат сўнгги сайёҳлар гуруҳи Япониядан қайтиб келди. Россия англиклар хизмати шу ҳақда хабар тарқатди.

Улар Домодедова аэропортига JAL авиакомпанияси рейси билан келтирилди. Бундан сак олдинроқ айнан шу компания самолётида россиялик 36 сайёҳ Москвага етиб келган эди. «Ростуризм» матбуот хизмати маълум қилишича яқка тартибда саёҳат қилаётган шахслар ҳали Японияда қолган бўлишлари мумкин.

Кейинги маълумотларга кўра, "Фукусима-1" АЭСда иккита портлаш юз берди, станция атмосфера радиация

меъёридан ошиб кетди. Бироқ, аҳоли соғлиғига таҳдид ҳозирча йўқ. Шунингдек, "Фукусима-2" АЭС авария ҳолатида турибди. Станцияларга яқин жойлардаги аҳолидан 170 мингга яқини кўчирилди.



ДЕНГИЗ ҚАРОҚЧИЛАРИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Associated Press агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Ҳиндистон Ҳарбий денгиз кучлари денгизчиари Мозамбикнинг балиқ овловчи кемасини қароқчилардан қайтариб олдилар.

Ҳиндистон ХДК кемалари денгиз қароқчилари қўлга олган балиқчи кемани порт шаҳар Коиндин минг километр нарида қувиб етди. Операция чоғида 61 қароқчи ушланди. Балиқ овловчи кеманинг 13 аъзоси озод қилинди.

Қўлга тушган қароқчиларнинг шахси аниқланмоқда. Улар Сомали ёки Яман фуқа-

роларимиз ёки йўқлиги ҳозирча номаълум.

Қароқчиларга қарши ушбу операция Ҳиндистон ХДК 2011 йил бошидан бери ўтказган шундай операцияларнинг учинчисидир. Январ ойида хинд денгизчиари 15, февралда эса 28 қароқчини қўлга туширгандилар.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ МОЛИЯ БОШҚАРМАСИ КОМПЬЮТЕР ВА ОРГТЕХНИКА ХАРИД ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. 53 та комплект компьютер /CPU Dual Core E5400 GHz/G-41 ECS/DDR3 2Gb/HDD 500 Gb/SATAII+cooler/Case 400 Watt/Monitor LCD 19"WD LG/ VGA, Sound, LAN integr/faxmodem/ ups/pilot/ Keypad/mouse PS/2 optical/active speakers.

- 2. 17 та принтер MF Canon 4018.
- 3. 6 та принтер Canon LBP 2900.
- 4. 1 та ксерокс формат А3.
- 5. 6 та телефон-факс.
- 6. 14 та картридж MP Canon 4018.

Барча харажатлар бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ва тўлов кафолатланади. Тўлов куйидагича амалга оширилади: олдиндан тўлов 15 %, маҳсулот етказиб берилгандан сўнг қолган 85 %.

Танлов ташкилотчиси: Тошкент вилояти ҳокимлиги Молия бошқармаси.

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 15-уй. Тел/факс (8371) 233-38-13, 236-28-13.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар куйидаги талабларга мос келишлари керак: ишлаб чиқариш базалари, ишлар (буюртмаларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислари мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Республика кўп тармокли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан 05.10.2010 йилдаги № 11844/21 сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар "241-сонли Шарқли Мелиса" жарима майдончасида сақланаётган куйидаги автотранспорт воситалари куйилимоқда: 1. 1995 йилда и/ч., дав.бел. 10 В1 147 бўлган "Ваз-2106" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 5 039 417 сўм. 2. 2008 йилда и/ч., дав.бел. 10 В1 213 бўлган "Ваз-21074" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 10 789 089 сўм. 3. 2008 йилда и/ч., дав.бел. 10 В1 517 бўлган "Газ-330202-14" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 24 136 381 сўм. 4. 1985 йилда и/ч., дав.бел. 10 В1 263 бўлган "Камаз 35511" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 45 712 399 сўм. 5. 2007 йилда и/ч., дав.бел. 10 В1 597 бўлган "Камаз К-5460" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 86 241 859 сўм. 6. 2007 йилда и/ч., дав.бел. 10 В1 598 бўлган "Камаз К-5460" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 87 465 783 сўм. 7. 1986 йилда и/ч., дав.бел. 10 В1 489 бўлган "УПР 1212" русумли ярим тиркама воситаси, бош. нархи — 10 208 121 сўм. 8. 1988 йилда и/ч., дав.бел. 10 В1 486 бўлган "Одаз 9370" русумли ярим тиркама воситаси, бош. нархи — 15 886 361 сўм.

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 15.11.2010 йилдаги № 10-1005/13714-сон ижро варақасига асосан "Муруват Текс" корхонасига тегишли бўлган, умумий майдони 2391 кв.м. бўлган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Коратощ мазееси, Фуқат кўчаси, 6-уйда жойлашган тикув чеки биноси куйилимоқда, бош. нархи — 1 374 249 434 сўм. Аукцион савдолари 2011 йилнинг 21 апрель куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридаги кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 12 май куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

2011 йил 31 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очик аукцион савдоларига куйидагилар куйилимоқда: Миробод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ИИБ Ахборот марказида сақланаётган куйидаги автотранспорт воситалари куйилимоқда: 1. 09.11.2010 йилдаги № 14150/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 2008 йилда и/ч., дав.бел. 10 В1 453 бўлган "Лада 21074" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 11 596 650 сўм. 2. 08.07.2010 йилдаги № 12057/1-сон ижро ҳужжат. асосан, 1988 йилда и/ч., дав.бел. 11 В1 3897 бўлган "Газ-2410" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 1 660 920 сўм. 3. 05.10.2010 йилдаги № 11742/1-сон ижро ҳужжат. асосан, 1987 йилда и/ч., дав.бел. 30 В 0252 бўлган "Ваз 21063" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 3 705 300 сўм. 4. 12.10.2010 йилдаги № 12194/1-сон ижро ҳужжат. асосан, 2006 йилда и/ч., дав.бел. 01 Q 530 АА бўлган "Ваз-21070-120-21" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 8 882 020 сўм. 5. 04.11.2010 йилдаги № 13812/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 1988 йилда и/ч., дав.бел. 01 W 622 ВА бўлган "Ваз-2108" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 3 317 890 сўм.

Аукцион савдосига Чиноз тумани Янги Чиноз кўрғони 6-мактаб ҳовлисида сақланётган куйидаги автотранспорт воситалари куйилимоқда: 1. ZOOMLION QY30V русумли, давлат рақами 10 124 ВАА бўлган автокорн воситаси, бош.нархи — 260 611 975 сўм. 2. Экскаватор "JONYANG"

русумли, "JYL-210E" модели, давлат рақами йўқ бўлган экскаватор воситаси, бош.нархи — 140 965 639 сўм. 3. 05.04.2010 йилдаги № 1489-сон ижро ҳужжат. асосан "Чиноз Матлубот Инвест" МЧЖда сақланаётган, 1983 йилда и/ч., дав.бел. 01 J 128 ЕА бўлган "Камаз-5320" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 14 209 371 сўм. 4. 30.04.2010 йилдаги № 2099-сон ижро ҳужжат. асосан, Тошкент вилояти суд департаменти биносида сақланаётган, 1990 йилда и/ч., дав.бел. 17 X 7843 бўлган "Камаз-55102" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 17 274 985 сўм. 5. 10.11.2009 йилдаги № 3825-сон ижро ҳужжат. асосан, "Чиноз Матлубот Инвест" МЧЖда сақланаётган, 1979 йилда и/ч., дав.бел. 01 Q 294 АА бўлган "Камаз-53212" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 12 608 930 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини хар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ "Ипотечка банк"нинг Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206852268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога куйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилири бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш қимоди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтаилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: ДВ 001 № 000003.

СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ

СОҒЛОМ ОНА - ОИЛА

"Бундан буён барча режаларимизда маданият, маърифат, жисмоний тарбия ва спорт биринчи даражада вазибалар қаторидан жой олиши лозим".

Юртбошимизнинг соғлом авлод келажакни ўйлаб олиб бораётган инсонпарварлик сибсати ҳаётимизнинг мазмун-моҳиятига айланиб бормоқда. Зеро, юрт келажак, жамият тараққиёти соғлом, баркамол авлод қўлида.

Пойдевори мустақкам бўлган ҳар қандай бино узоқ йиллар давомида авлоддан-авлодга безавол ўтаверади. Бола тарбияси учун аввало она муҳити пойдевор бўлиб хизмат қилади. Соғлом оналардан соғлом зурриёт туғилади, соғлом онадан соғлом болалар туғилади, баркамол фарзанд тарбия топади, камолга етади. Жисмоний тарбия ва спорт эса бу борада энг муҳим омиллардан биридир.

Вилоят касаб уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти, соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмалари вилоят кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган "Соғлом она - соғлом оила" спартакиада айнан шу мақсадга йўналтирилди. Унда вилоятимизнинг Ангрэн, Бекобод, Бўстонлиқ, Оҳангарон, Юқоричирчик, Куйи-чирчик, Паркент, Янгийул шаҳар ва туманларнинг худудий босқичда голиб бўлган ёш оилалари иштирок этишди. Улар спортнинг энгил атлетика, баскетбол, дартс, армрестлинг тури бўйича куч синашди.

Мусобақа шартларини

маҳорат билан бажарган ёш оилаларнинг аҳиллиги томошибинларга завқ бағишлади. Айниқса, бекободликларнинг фаоллиги кўпчиликка маъқул бўлди. 1-ўринни Ботировлар (туман), 2-ўринни Аҳмедовлар (шаҳар), 3-ўринни эса ангрэнлик Пулатовлар оиласи эгаллашди.

Иштирокчиларнинг спортга бўлган ҳурмати, иштиёқи эътиборга олиниб яна тўртта оила "Энг иноқ оила" (Янгийул тумани, Асатовлар), "Энг фаол оила" (Куйи-чирчик, Маустаевлар), "Энг ёш оила" (Юқоричирчик, Эргашевлар), "Ғалабага бўлган ишончи учун" (Олмалиқ, Бегматовлар) номинациялари бўйича голиб деб топилди.

Жисмоний тарбия ва спорт тиббиёт соҳаси ходимлари фаолияти самарасини таъминловчи муҳим омилдир, - дейди соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмаси раҳбари Гузал Тўхтаева. - Зеро, соғлом вужуд ҳар қандай хасталикка қарши кураша олади.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.



НАФИС ҲАРАКАТЛАР ЖОЗИБАСИ

Мақтабимизда туман хотин-қизлар кўмитаси, халқ таълими бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида 8 март - Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб спортнинг нафис тури - бадий гимнастика бўйича мусобақа ўтказилди.

Мусобақада 1, 4, 6, 38-мақтаб ўқувчиларидан 40 нафари гуруҳ ва яққа тартибда лента, тўп, халқа, арқонда ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Мусобақа натижаларига кўра, жамоа ҳисобида 1, 6 ва 4-мақтаб ўқувчилари тегишлича совринли ўринларни эгаллашди. Уларга ҳомиларнинг қимматбахо совғалари топширилди.

Барно ҲАКИМОВА,
Кўрай туманидаги 6-умумтаълим мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси.



СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар. **Даврон АҲМАД** олган суратлар.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАП

Дунёнинг ишлари қизик, лаймоқчимизки, бу ҳаёда лақмалар бор экан, фирибгарлар ҳам бисёр. Бошқаларга фириб беришининг туғашини жамиятда барча оғох, хушёр бўлишига, ким намо десам, сўраб-суриштирмадан, эшитган гапларига лаққа ишониб, ўзи илгари кўрмаган, танимаган одамларнинг топширигини мутеларча бахариб юрмаслигига, ўз ҳақ-хуқуқини таниб олганлигига боғлиқ.

Акс ҳолда Бекобод шаҳрида юз бергани сингари воқеа-ҳодисалар содир бўлаверди, фирибгарлар кап-катта, эсли-хушли одамларни ҳам лақиллатиб юраверди. Токи бирор хушёр киши унинг кирдикорларини фош қилмагунча, албатта.

Ўйлаб-ўйлаб, илгари "гўрлик қилиб" жазо олган, бир-иккида "оғзи куйган" одамларни топиш, уларни ўз амрига сўзсиз бўйсунувчи мутеларга айлантириб, давру-даврон суришга киришди. Бирмунча муддат шундай ҳам бўлди. Лекин арзон шўрва татимади, охири оқибат барча қилмишлари ошқор бўлиб, қора курсига ўтирди.

Хаммаси шаҳар биқинидаги қишлоқда яшовчи Ҳайдар Мухаммадиевнинг телефон рақамига бўлган дастлабки кўнгирик ҳақиқий Рустамни сохта "Рустамга, МХХ ходими"га айлантиришдан бошланди. Рустам Жумаев бу кишидан кўн нарса ундириш мумкинлигини олдиндан сезиб,

"кўнгиликдан чиқариб" 200 АҚШ долларини тутқазди-ю, "ПРАДО"ни айтилган томонга бурди. "Рустам"жонни тушмагур шунчалар хайрихоҳ эканки, бироз фурсат ўтказиб, яна кўнгирик қилди, кўнгилик сўради: - Яхши етиб олдингизми? Ўйлар тинчми? Шу-шу Мухаммадиев "Рустам"жон учун лаққа балақча айланди. Йулвони ташувчи Мамадали Холмирзаевга ўзини "Тошкент вилояти МХХдан Рустамман" деб таништириб, унинг машинасида кўп ўтмай қишлоққа, Мухаммадиевнинг хонадонига етиб борди. Ҳайдарни уқаси Абдуваҳобнинг уйдан топди, ундан уч минг доллар топиб беришни сўради.

"Рустам"нинг шошма-шошралиги, унинг бир галги кўнгиригига жавоб бўлмаганлиги вақтинча жонига аро кирди. Шунда "Рустам" бозор ёнида бошқа бир хайдовчи - Ҳўкир Абдуҳакимовга рўпара бўлди, "унинг" "NEXIA"сида навбатдаги режаларини амалга ошира бошлади. Тасодифми ёки "Рустам" олдиндан ўтмишини суриштириб, ўрганиб олганимиди, ҳар қалай Ҳўкир ҳам илгари жиноий ишда айбланиб, 5 йилга ҳукм қилинган, кейин бу жазо уч йил синов муддати билан алмаштирилган, амнистия бўйича жазодан озод этилган. Нима бўлганда ҳам энди "Рустам"нинг исканжасига тушган. Тўғри, улар "ҳар тоқчага 3000 сўм"данга келишиб олишди. Лекин кун охирида "Рустам" ярим-ерти пул бериб, "кейин ҳисоблашамиз" деб юрди. Қисқаси, Ҳўкир ҳам "Рустам"нинг жиноий хатти-ҳаракатларига шерикка айланди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "SAYID-FARM SERVICES" XK (ИНН 203619977, ОКОНХ 71212) номига 2007.07.02 да берилган қўшимча лицензия йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"INTER CARGO TRANS LOGISTICS" МЧЖ ўз устув жамғармасини 22 млрд. 377 миллион сўм 15 тийиндан 1 миллиард 118 миллион 850 минг сўмга камайтарганини маълум қилади. Давлолар қўйидаги 230-54-34, 230-54-44 рақамли телефонлар орқали қабул қилинади.

Юносубод тумани ТСРЎИ томонинан рўйхатга олинган (ИНН 301007774) "ROYAL GLOBAL BUSINESS" хусусий корхонасининг устав фонди 2 986 944 736 сўмдан 2 481 944 736 сўмга камайганлиги маълум қилади. Тел.: 500-22-22.

ООО "POYTAХT TRANS SERVICES PLUS", зарегистрированное в отделе государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтепинского района г. Ташкента за реестр. № 003787-01 от 04.06.2010г. (ИНН 301629741), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания учредителей № 3 от 01.03.2011 г.). Претензии принимаются в течение одного месяца со дня публикации объявления по тел.: 304-85-50.

Утерянную гувохонму № 0802918, выданную 24.03.2006 г. отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента на имя Рустамова Абдуллы Алишеровича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянную гувохонму № 0802918, выданную 24.03.2006 г. отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента на имя Рустамова Абдуллы Алишеровича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ТУНГИ БЕЖО ШАРПАЛАР

Тошкент вилоятининг қўшни давлатлар билан чегарадош худудларида кундуз кунлари одатда осойишталик ҳукмрон. Аммо қоронғилик чўкиб, тун ўз ҳукмини ўтказиб бошлашга, ҳали у ер, ҳали бу ерда бежо шарпалар пайдо бўлади. Уларни ўғри каламушларга қиёс қилгулик. Ҳамма тинч ўйқуда ётган бир пайтада, сарҳадаларимиз посбоналари кўзини шамғаат қилиб, халқ ризқини қияётган бу кимсаларни яна нимага ўхшатиш мумкин?

пахта ҳам чегарачиларимиз хушёрлиги туфайли қўзланган манзилга етиб боролмади.

Контрабанда юклар ҳам, уларни ташибётган транспорт воситалари ҳам сўзсиз мусодара қилинади. Аммо гап бунда эмас. Гап юртимиз сарҳадаларида беҳало-виз тунлар мобайнида элимиз насибасини четга оқиб кетишига йўл қўймаётган сергак чегарачиларимиз хушёрлиги (бунинг учун улардан ҳар қанча миннатдор бўлсақ арайди, албатта) ҳақида ҳам эмас. Мавзунинг бек оғрикли нукта-си борки, унга тўхталмай иложимиз йўқ.

Кишининг зимистон кечалари оғушида кўздан панарок, овлоқ жойлардан ўғринча ўзга юртлар худудига қопу қутилар ташиб ўтишга уринган кимсалар хушёр чегарачилар етиб келаётганини кўриб, ортомқолаган нарсаларини ерга ташлаганча, қўшни давлат худудига гоийб бўлишади. Бу юкларни эгасиз дейиш мумкинми? Ахир бу бизнинг ризқимиз-ку! Эшик қолиб тўйқундан, турли ноқонуий йўллар билан хориқ бозорларига чиқиб кетаётган бу нарсалар аслида бизнинг савдо расталаримизни тўлдириши, вилости-миз ва пойтахт аҳолиси дастурхони тўқислиги учун хизмат қилиши керак эмасми?

Бўлди. Фақат оғохлантирувчи ўқ овозини эшитганидан кейингина, автоулов соҳиб-масинасини четга олиб, тўхтади. Ҳеч қандай ҳужжатларсиз, ўзини мажбур тўхтаганда истикомат қилувчи, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, 1983 йилда туғилган Исомиддин Жамолдинович Мирзаев деб таништирган бу одам чамаси 600 минг сўмлик 500 килограмм гуруч олиб кетаётган эди.

Коронғиликда пана-пасткам жойлардан пусиб бораётган чегарабузарлар, бизнинг бозорларимизда арзон, аммо хорижда анча қимматлиги боис мўмай пуллаш мумкин бўлган нимаки кўринса ташиб ўтишга уринмокдалар. Масалан, Бекобод шаҳрининг Уратепа аҳоли пункти худудига қуролли аскарларимиз исини сезган, "сиқонинг ини минг танга" нақлига амал қилиб, Тожикистондан паноҳ толган номалум кимсалар қолдирган юк умумий нархи 460 минг сўмлик 1140 донга ҳоҳат қоғози ўрамалари бўлиб чиқди. Тумандаги Данғовул қишлоғи худудидан қўшни республикага контрабанда "йўланмаси" билан сафарга отланган 550 минг сўмлик 350 килограмм шпаклевка, Янгибозор қишлоғининг овлоқ еридан кун оралатиб олиб ўтишга уринилган бир гал 360 минг сўмлик 90 килограмм ва иккинчи гал 800 минг сўмлик 150 килограмм

Охунбобоев маҳалласи орқали Тожикистон Республикасига отланган, аммо чегарачилар пайқаб қолгани сабабли, "жуфтани росланган" номалум шахслар ташлаб қочган, жами қиймати 730 минг сўмлик деб баҳоланган 90 килограмм товук оёқлари-ю, 200 литр бензин ҳам аслида бизнинг рўзгоримиздан қийилган.

Энг алам қиладиган томони ноқонуий юкларни хориқга ташлаётганлар худудлари бизга туташ давлатларнинг оч қолган ёки арзон егулик ва истеъмол моллари илчиқидиға фуқаролари эмас, ақсарияти қўни-қўшниларимиз, сизу бизнинг маҳалладошларимиз, қаринодошларимиз. Хонадон дастурхонидиға оиласи учун мўлжалланган неъматларни "туя қилиб", бегоналарга пуллаётган кўрнамалардан фарқи йўқ бундай кимсаларнинг аслида ўз халқига, ватанига хиёнат қилаётганини кўра-била туриб, қўпична индамаймиз. Бундай бедарқликнинг эса оқибати ёмон. Шу ўринда Юртбошимизнинг "Юскак маънавият - энгилмас куч" асаридиға қуйидаги иқтибос бизни анча сергалантириши лозим: "Бефарқ одамлардан кўрк - улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва беларво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади".

Тўнғич БЕК.

ҚУЁН ГЎШТИ ФЙДАЛИМИ?

Хозирги кунда мол, қўй, парранда гўшларини истеъмол қилиш одатий ҳол. Биз қўн гўшти ҳам фойдали эканлигини эслашиб ўтмоқчимиз. Қўн гўшти соғлиқ учун фойдали бўлиб, бошқа гўшларидан таъям ва парҳез хусусиятлари билан ажралиб туради. Янги музлатилган қўн гўштинан барча мавсумларда фойдаланиш имконияти унинг парҳез хусусиятларини оширади.

Утерянный гос.ордер за № 08-01/16183 от 24.01.1993 г. на право собственности на квартиру, расположенный по адресу: Чиланзарский р-н, 19-квартал, дом 52 кв. 63, выданный на имя Давыдова Александра Владимировича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Мутахассислар қўн гўштини биологик қиймати, юмшоқлиги ҳамада ёғ ва холестерин моддасининг камлигини ҳисобга олиб - аллергия, гипертония, ошқозон-ичак, меъда, ўт пуфак, жигар касалликларига чалинганларга уни истеъмол қилишни тавсия этишади.

Қўн гўшти киши организмда меъда ширалари таъсирида тез ҳазм бўлади. У экстримал касблар билан шуғулланувчилар: учувчи, гаввос, спортчи, зарарли ишлаб чиқаришда ишловчилар, ифлосланган худудларда яшовчи аҳоли учун ҳам фойдалидир.

Утерянную круглую печать ООО "КАРОМАТ-ФАРМ" Мирабадского района г. Ташкента (ИНН 206960094), **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Қўн гўшти, айниқса, тўла қонли оқсил моддасига эҳтиёжи бўлган шахслар - мактабчага ёшдаги болалар, ўсмирлар, эмизикли аёллар, кексалар учун фойдалидир. Таркибидаги ёғ аҳолий биологик модда жароҳатларни даволайди, юмшатувчи, қичима ва аллергияга қарши восита сифатида қўлланилади. Ундан пардоз ва даволовчи дори-

дармонлар тайёрланади. Оқсил миқдори қўй, мол, чўчка гўшларига қараганда юқоридир. Қўн гўшти рақинида ёғ, айниқса, тўйган ёғларни камайитириш хусусиятига эга. Витамин ва минерал таркибига кўра, қўн гўшти деврли барча гўшт турларидан устун туради. Ундаги С, В12, В6, РР витаминлари ва темир, фосфор, калий, марганец, фтор ва калий моддаларини бошқа ҳеч қайси гўшт билан тенглаштириб бўлмайди.

Утерянную круглую печать ООО "КАРОМАТ-ФАРМ" Мирабадского района г. Ташкента (ИНН 206960094), **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Қўн гўшти, айниқса, тўла қонли оқсил моддасига эҳтиёжи бўлган шахслар - мактабчага ёшдаги болалар, ўсмирлар, эмизикли аёллар, кексалар учун фойдалидир. Таркибидаги ёғ аҳолий биологик модда жароҳатларни даволайди, юмшатувчи, қичима ва аллергияга қарши восита сифатида қўлланилади. Ундан пардоз ва даволовчи дори-

дармонлар тайёрланади. Оқсил миқдори қўй, мол, чўчка гўшларига қараганда юқоридир. Қўн гўшти рақинида ёғ, айниқса, тўйган ёғларни камайитириш хусусиятига эга. Витамин ва минерал таркибига кўра, қўн гўшти деврли барча гўшт турларидан устун туради. Ундаги С, В12, В6, РР витаминлари ва темир, фосфор, калий, марганец, фтор ва калий моддаларини бошқа ҳеч қайси гўшт билан тенглаштириб бўлмайди.

Утерянную круглую печать ООО "КАРОМАТ-ФАРМ" Мирабадского района г. Ташкента (ИНН 206960094), **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Қўн гўшти, айниқса, тўла қонли оқсил моддасига эҳтиёжи бўлган шахслар - мактабчага ёшдаги болалар, ўсмирлар, эмизикли аёллар, кексалар учун фойдалидир. Таркибидаги ёғ аҳолий биологик модда жароҳатларни даволайди, юмшатувчи, қичима ва аллергияга қарши восита сифатида қўлланилади. Ундан пардоз ва даволовчи дори-

дармонлар тайёрланади. Оқсил миқдори қўй, мол, чўчка гўшларига қараганда юқоридир. Қўн гўшти рақинида ёғ, айниқса, тўйган ёғларни камайитириш хусусиятига эга. Витамин ва минерал таркибига кўра, қўн гўшти деврли барча гўшт турларидан устун туради. Ундаги С, В12, В6, РР витаминлари ва темир, фосфор, калий, марганец, фтор ва калий моддаларини бошқа ҳеч қайси гўшт билан тенглаштириб бўлмайди.

Утерянную круглую печать ООО "КАРОМАТ-ФАРМ" Мирабадского района г. Ташкента (ИНН 206960094), **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**



Менга мол гўштинан кабоб керак эди. Эй оғайни, хозирги қўйларнинг молдан нима фарқи боргун..

ФЙРИБГАРЛИК ВА ЛАҚМАЛИК

зиб, ўз "фаолияти"ни пухта режалаштириб олган эди. Сўраб-суриштириб, телефон рақамини аниқлаб олганч, кўнгирик қилганди. Талвасига тушиб, шошиб қолган Ҳайдар Мухаммадиев айтилган жойга - Бекобод шаҳар ҳокимлиги биноси ёнига келиб, уни илҳақ бўлиб қутиб турди. Рустам ҳокимлик биносидан чиқиб, тўғри ўтириган "ПРАДО" жипининг ёнига келди.

Ҳокимиятнинг молия бўлиминини текширяпман, - деди дабдурустдан.

Рустамжон, чеккароққа чиқиб, бир пиёла чой ичайлик, - таклиф қилди Мухаммадиев.

Сўхбат "Бекобод" қаҳвахонасида давом этди.

Бизнинг болалар машинангизга 4 кило дори қўйиб қўйишмоқчи, шундан оғохлантириш учун қақирдим, - деди сирли оҳангда "Рустам".

Тинчликми, ахир? - Мухаммадиевни ваҳима босди.

Кўзга кўриниб қолибсиз, - деди Рустам куруққина қилиб. Кейин таъкид оҳангиди қўшиб қўйди. - Болалар светофорда туришибди, сиз ҳокимият йўли билан чиқиб кетинг.

Лақмага шунинг ўзи кифоя эди. У "Рустам"жонга

– Майли, тўғрилаб бераман, - деди Ҳайдар. – Машинани сотайин...

Лекин "Рустам"жонни "куруқ қайтармади", "машина"га бензин қуйиш учун 50 минг сўм тутқазди. Шундан кейин Мамадалининг оқ "Нексия"сида бот-бот ўша қишлоққа бориб юрди. Ҳайдардан гоҳ "бензин учун" 50 минг, гоҳ "туғилган кун" шарофати билан 70 доллар, гоҳ уқаси Абдуваҳобдан 100 доллар ундириб юрди. Бора-бора, хайдовчи "Рустам"нинг "қора бозор"да долларини сўмга айирбошловчи шеригига айланди-қўйди. Кейинроқ у Мамадалининг машинасида Бекобод фермер хўжалиқлари уюшмасида яшовчи Ғайратулла Нарзиёвнинг уйига ҳам бориб юрди. "Рустам" ундан ҳам 100 АҚШ доллари ундирди.

Хуллас, илгари икки марта жиноий жавобгарликка тортилган, авф умумий шарофати билан жазодан қутулиб юрган Мамадали Холмирзаев муте хизматкорга айлиниши учун "Рустам"нинг бир оғиз сўзи - "МХХ ходимман" дейиши кифоя бўлди. У ўзи қатнашиб, кўриб, кузатиб юрган воқеаларни бирон марта ўйлаб кўрмади, мулоҳаза қилмади, шубҳага бормади. Фақат

Жўрабек МУРОДОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилми: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамада далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ

Навбатчи
Шохруҳ ҲАКИМОВ

Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУҲҲАЕВ